

ҚАРДОШЛИК
ҚОНУНИ
АМАЛДА

БУЛАР ТОЖИК ТИЛИДА ЎҚИЙДИЛАР

Ўзбек ва тожик халқларининг азалий дўстлиги, ҳамкорлиги ҳақида ўйлаганимизда беҳтар ҳаёлимизга Шарҳнинг буюк алломалари — Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоий қаблларининг туташуви келади. Қаранг, ўз замонасининг улғу шоирлари бўлган бу мўътабар зотларни ижодга, ёруғликка, эзуликка интилиш бирлаштирибди. Тарихимизнинг бошқа саҳифаларини ҳам арақланг: турмуш тарзи, ақналар, феълу атвори бир-бирига уйкаш бўлиб кетган бу икки миллат вакиллари қайси ўринда ўзаро ҳамкор бўлишса, уларнинг заминда яхшилик, эзулик, яратувчанлик пойдевор каби турибди.

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

О. АББОСОВА,
Ўзбекистон ССР маориф министри

Республикамизнинг Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона областларида биринчи синфга борган ўқувчи тожик тилида таълим ола бошлаш имкониятига эга. Албатта, ҳар жойда эҳтиёжга яраша. Масалан, 1986—87 ўқув йилида Самарқанд областида жами 23.624 ўқувчи тожик тилида таълим олган бўлса, бу рақам Сурхондарёда 20.679 тани, Фарғонада 12.672 ни, ёки Жиззах областида 747 ни ташкил этади. Тўғри, бу рақамларнинг оқ-қўп бўлиши маорифчилардан кўра фарзанди мактаб ёшига борган ота-онанинг қарорига боғлиқ. Айни шу масалани буйруқбошлик-маъмуриятчилик услуби ярамайди.

ҚАБУЛНИНГ ҚИЗГИН КУНЛАРИДА

Халқимизда «Оз марта зиннатдан бир марта кўрган афзал» деган ҳикमत бор. Республика идораларининг раҳбарлари мурожабаси биланнинг сафар манзилларимизни белгилаб берди.

Мана биз СамДУда. Дорилфунунинг асосий босиноси қиравериб эътиборимизни бир нарса ўзига жалб этди: бу ердаги дўқонда ўзбек ва рус тилларида топ этилган даврий матбуот нашрлари қаторида «Хорлуштак» журна-ли, «Адабиёт ва санъат» газетаси, тожик тилидаги бошқа рисолалар сотувга қўйилган. Ҳа, уларни мунтазам ўқийдиганлар мавжуд бу ерда.

Самарқанд давлат университетининг ректори, тарих фанлари кандидати, профессор Мавлон Жўрақулов (у киши мазкур регионда ректорлар комитетининг раиси ҳам) ниятимизни билган тўлиб-тошиб гапирди кетди.

— Университетимизда 32 миллат вакили бор, шулардан 22 миллат ўқувчилар сафига бирлашган. Уларнинг ҳаммаси ағона маслак билан яшайди. Умуман кишининг қайси миллатга мансублиги бирор ҳужжат тасдиқламади, ақибда келмасе, бошқа пайтлари баримиз бир оила фарзандларидек аҳилмиз — миллат ақриатиш йўқ демократия, — сўзини давом эттирди. Мавлон Жўрақуловчи, — Лекин бу гапимдан биз миллий масалага эътибор беришмаймиз, деган маъно тушунилмаслиги керак. Журналистлар янгиликка ўч бўлишди, шунинг учун бир хабар айтди. Ақинда бизда миллатлараро муносабат ва ҳуқуқ кафедраси ажудга келди. Олимларимиз М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг стажировкада бўлиб, бу масала қирраларини ўрганиб кайтишди.

Тожик тилида таълим оладиган студентлар сонини ҳақида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маълумот олгандирсизлар, бу ҳақдаги рақамлар матбуотда ҳам эълон қилинди. Ҳозир қабулнинг қизгин давлари. Марҳамат, бу масуам қандай кетаяётганлиги билан танишишнингиз мумкин.

Ректорнинг таклифи бизга маълум тушди. Университетнинг кенг ва буюғ фойсидан ўтиб коридорлар бўйлаб юрмиш. Қаршимиздаги киши билан танишмиш: тил ва адабиёт фанидан имтиҳон комиссияси раиси, филология фанлари доктори, профессор Садулла Мирзаев.

— Сизларни тожик тили ва адабиёти бўлими қизиқтирадими? — Сўхбатдошимиз аниқ рақамларни тилга олди. — Бу йил ҳар бир ўринга қарийб тўрт абитуриент тўғри келаяпти. Утган йили 25 ўринга 61 ҳужжат қабул қилинганда. Демак, бу йил оқим каттароқ...

— Абитуриентларнинг энг сараси чертиб олинганда, — домланинг дилидагини илғаймиз.

Тожик тили ва адабиёти ўқувчиларининг вазифаси фақат ўз бўлимларига ҳужжат топширган йигит-қизлардан имтиҳон олиш билан чекланмайди. Дорилфунунинг физика, математика, химия, тарих каби факультетларига ҳужжат топширганлар орасида 60 дан зиёд абитуриент ишончи тожик тилида ёзиш истагини билдирган. Масалан, Абдурахмон Мардонов — Қашқадарё областининг Қамаш районидagi Чили қишлоқ Советига қарашли Гулистон қишлоғидан келган, физик бўлмоқчи. Ўрта мактабни тожик тилида битирган. Марҳамат, у ўз она тилида ишо азиши мумкин. Шу факультетга ҳужжат топширган Зафар Зарипов асли Фарғона области, Риштон районидagi «Сўх» совхозидан. У ҳам ишончи тожик тилида ёзиш имконияти берилгандан мамнун.

Дорилфунунда тожик тили ва адабиёти фанининг етук олимлари меҳнат қилишяпти. Филология фанлари докторлари, профессорлар Ботирхон Валиджоев, Раҳим Муқимов, Миржамол Мирсаидов устозлар устоз сифатида эл эътирофига сазовор бўлишган. Улар билан бир сафда филология фанлари кандидатлари Раҳмонбарди Эгамбердиев, Аслиддин Қамаров, Солиҳ Ҳалимов, Абдусалом Самадов каби олимлар ишларга кунт билан сабоқ бермоқдалар.

Лекин биз университетни тўрқ этаётганда бир месала кўнглимизга тинчлик бермади. Хали Тошкентда эканлигимизда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқарма бошлиғи Саттор Ибодуллоев билан сўхбатлаш-

ди тожикча. Вази ҳам бир, туроқ ҳам бир, анг муҳими, иккала тилдаги ғазалонга ҳам тушунарди. Мақсаднинг муштараклигидан, ниятнинг ягоналигидан шундай!

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир бир дарё сувини баҳам кўриб келаятган икки халқнинг ўтмиши мустақам чинор шохлари каби ағона танандан ўсиб чиққан. Улуғ Октябрь инқилоби таратган нур, ҳарорат бу шохларга янада яшовчанлик бахш этди. Советлар замонасида амалдаги интернационализм чин маънода тантана қилди. Озодлик, эркинлик қўшиғи, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари ўзара баралла янгради. Индиликда ленинободлик Ўзбек Тожикистон тупроғини кийдик қони тўкилган ватаним деб кўнганга тўтиб қилса, риштонлик тожик бор овозда «Мен ўзбекистонликман» дея ифтихор ҳисларини намоян этади. Айни пайтда ҳар иккалови ҳам ўз она тилида ўқиб, ёзиш

ИЗЧИЛ СИЁСАТ

Н. НАУМЕНКО,
Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи ўринбосари

Республикамизда партия ташкилати кейинги йилларда КПССнинг динича миллий сиёсати ҳаётта изчил татиб ўтишга, барча халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашга, ҳамкорликни ривожлантиришга эътиборни кескин қўйди. Биз бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаймиз, унга астойдил қўшилишамиз.

Миллатлараро муносабатларни яхшилаш бу масалага янгилик билан маъсулият билан қарашни тақозо этади. Турғунлик даврининг асоратлари — ҳайбаракаллачилик ва тантанаворлик ҳақиқий аҳволни рўй-рост кўрсатишга халақит бериб келган. Мамлакатимизнинг барча бурчларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ўрта мактабни битирган ўқувчи ўзи танлаган ихтисосини бўйича ўқиниши мумкин. Ҳозирги пайтда республикамизнинг турли олий ўқув юртиларида тожик миллатига мансуб бир ярим минг йигит-қиз рус ва ўзбек тилларида мутахассислик сирларини ўрганаётган-

имкониятига эга. Айниқса қайта қуриш ва ошқоралик даврида бундай шарт-шароитлар қўлами тобора кенгайиб бораётган. Бунинг ҳаммаси дилдан ҳис қилиб турибмиз. Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик алоқаларини ривожлантириш, ҳамкорликни мустақамлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиққан республикамиз Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарор ҳам инқилобий ўзгаришлар сари юз тутган давримизнинг махсуслидир.

«Ҳақиқати Ўзбекистон» ва «Қишлоқ ҳақиқати» газеталари редакциялари республикамизда тожик тилида таълим беришнинг аҳволи билан қизиқиб кўрдилар. Зеро, мамлакат халқ ҳужалиги комплексни донрасида амалга оширилаятган бу ишлар ҳам маънавий, ҳам иқтисодий аҳамиятга эга.


ҲУНАР СОҲИБЛАРИ

И. ТОЖИБОВЕВ,
Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг ўринбосари

Тожик тилида таълим берилаятган билим юртилари республикамизнинг Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган тожик миллатига мансуб йигит-қизлар ўз она тилларида таълим олишлари учун барча шароит мўҳайё этилган.

Маълумки, қатор институтларда биринчи йиллари ўзбек тилида бошланган ўқиш юқори курсларга борғач рус тилида давом эттирилади. Бу асосан техник фанларга тааллуқли. Ҳўш, асли тожик мактабни битирган ўқувчилар учун қандай янгиликлар бор, деган савол бўлиши мумкин. Илгари бу хил ўқувчилар ўзбек ёки рус тилида машғулот ўтказиладиган олий ўқув юртига кираятганларидан рус тилидан диктант топширадилар. Бу йил эса Бухоро ва Самарқанддаги қатор институтлар (гарчи уларда машғулотлар тожикча олиб борилмасе-да) кириш имтиҳониди абитуриентлар ишончи ўз она тилларида ёзишлари мумкин.

Самарқанд давлат университетининг тожик тили ва адабиёти ихтисосини бўйича кундузги бўлимига йилига 25, кечинга 25, сиртки бўлимига ҳам шунча студент қабул қилинади. Улар университетни битиргач ўзлари яшаган жойларда мазкур фандан дарс беришади. Келажакда ушбу контингентни янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.



СУРАТДА: Самарқанд давлат педагогика институтининг студентлари компьютер ускуналаридан фойдаланишяпти. Бу ерда бўлгуси мувалимлар чўқур билим олишлари учун барча шароит мўҳайё этилган.

Бошқа элатларни осон фарқ этмоқ.

Бизларни фарқ этмоқ мушқуладир бироқ.

Кўрганлар сўрларлар таажжуб ила:

«Ўзбекмисан, ё тожик, айтгин, эй ўртоқ?»

Боқи РАҲИМЗОДА.

нистрлигидан олган маълумотларимиз чиппа мос тушди. Бу даргоҳда 1988—89 ўқув йили учун тожик тили ва адабиёти, математика ва физика, биология ва информатика, махнат ва касб таълими, педагогика ва бошланғич таълим, педагогика ва психология тожик мактабларида рус тили ва адабиёти, музика ва тарбиявий ишлар методикаси (жамини 8 та мутахассислик) бўлимлари тожик тилида ўқувчи йигит-қизлар ҳужжат топширишган. Улардан кейинги уч-

таси бу йил учун янгилик, булар жами 5 та мутахассислик эди. Албатта, бу билим тўхтаб қолмайди. Келгуси йилда активга қараб жисмоний тарбия ва биология мутахассислиги бўйича ўқитиш режалаштирилган.

Лекин бир муаммо институт қабул комиссияси аъзоларини ўйлантириб турибди. Республикаимизнинг ҳамма областларида педагогика институтлари борлиги назарда тутилиб, Ўзбекистон ССР Маориф вазирлигининг қарорига бирдай: «областларга қараб қатъий олинсин» деган қўрсатма берган. Идорада ишлаб чиқилган қондалар ҳаммаша ҳам ҳаётга тўғри келаятганлиги каби бу буйруқ ҳам галати туюлмаяпти. Тўғри, ҳамма областда пединститут бор, лекин тожик тилида ўқитиладигани фақат Самарқандда-ку!

— Қашқадарёдан келган абитуриентнинг ҳужжатини қондага хилоф бўлса ҳам қабул қилвердик, — дейди қабул комиссияси масуул секретари Жўрақул Эшназаров. — Ахир Қаршидаги пединститутда тожик тилида ўқитилмайдими-ку.

Шу ўринда СамДУ ректорининг сўзи эсимизга тушди: «Биз Тожикистоннинг Панжа кентидан ҳам ҳужжат қабул қилаямиз, бунинг хато жойи йўқ».

Ҳа, Самарқанд пединститутиди фақат филологлар эмас, бошқа кўпгаб фанлардан тожикча ўқитиш бўйича мутахассисларнинг катта гуруҳи таркиб топган. Институт проектори, филология фанлари кандидати, доцент Бахтиёр Насриддинов, педагогика фанлари кандидати, доцент, республикада хизмат кўрсатган ўқувчи, СССР маорифи ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Мўмин Фаттоев, педагогика фанлари кандидати, доцент, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Салим Кенжеев, физика-математика фанлари кандидати, доцент Турсунбой Саидмуродов, физика-математика фанлари кандидати, доцент Шарафот Абдурахмонова, педагогика фанлари кандидати, доцент Сар-

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

22 ИЮЛЬ, ЖУМА
● МТ I

7.00 «120 минута»
9.05 «Абхазия дурдонаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси).
9.35 «Улик жонлар». Беш серияли телевизион бадний фильм. 5-серия.
11.00 Янгиликлар.
11.10 «Сиз бунага қодирсан».

16.10 «Беш йиллик: ишлар ва одамлар» туркумидан ҳужжатли фильмлар премьераси.
17.00 Новосибирск телевизионис ва радиоси рус халқ олгуларининг оркестрининг концерти. Новосибирскдан кўрсатилди.
17.45 «Фан: назария, тақриб, практика».
18.15 Польшанинг миллий байрами — Польша ташкил топган кунга. ПХР телевидениесининг программаси.
19.10 Шерият лажазлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Демократияни ўрганиш». Жамият ҳаётини демократиялаш. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материаллари асосида.
20.05 «Улик жонлар». Беш серия-

ли телевизион бадний фильм. 5-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Телевизион таншуви. Ана-толий Карпов (Эстония телевидениеси).
23.35 Ҳужжатли фильм премьераси.
00.10 «Нитро». Туниг информация-музикали программа.
● МТ II
9.00 Эрталабки тинчлик настика.
9.20 Москва шаҳар халқ олгу оркестрининг концерти.
9.50 Инглиз тили. 1-йил шугул-ланаятганлар учун.
10.20 Объектив — жонворлар.
«Ўқитилмаган кушлар ўлкаси». Илкий-оммабоп фильм.
10.40 Инглиз тили. 2-йил шугул-

ланаятганлар учун.
11.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.30 Болалар учун фильм. «Кексе устанинг васияти». 4-серия.
12.35 М. Г. Чернышевский. «Нима қилмоқ керак!». Телевизион спектакль. 2 ва 3-қисмлар.
14.05 «Польша йўллари». Уш сериали телевизион бадний фильм премьераси. 10-серия.
15.45 Янгиликлар.
15.45 Тақрибий телефильмлар кундузги сенси. «Очик китоб». 2-фильм. 3 ва 4-сериялар. * * *
18.35 Янгиликлар.
18.45 «Савҳатчилар клуби».
19.45 Москва, Ленинград, Рига ва Киев ёш опера артистларининг концерти. Ригадан кўрсатилди.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичиниклар!
20.45 Реклама.
20.50 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
21.00 Халқ олгу қуйлари.
21.30 «Время».
22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Польша йўллари». Уш сериали телевизион бадний фильм премьераси. 10-серия.
23.45 Янгиликлар.
16.40 «Маншук ҳақида қўшиқ». Бадний фильм («Қозоқфильм»).
● УЗТ
16.00 Туристтик маршрутлар бўйлаб. «Новий сўмоқлар».